САВОЛ СИЗДАН, ЖАВОБ БИЗДАН — 2-бет
ТВ «ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ, ТОМОША ҚИЛИНГ — 3-4-5-бетлар
ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА — 6-бет
ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР — 7-бет

ЖУМА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 180 (10.235) / 2004 ЙИЛ 17 СЕНТЯБРЬ

## МДҲНИНГ НАВБАТДАГИ САММИТИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 15-16 сентябрь кунлари Қозоғистон пойтахти Остона шаҳрида бўлиб, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг навбатдаги саммитида иштирок этди**

Саммит қатнашчилари Россияда рўй берган террорчилик ҳаракатларини кескин қоралади ва мазкур иллатга қарши курашда ушбу мамлакат билан бирдамлигини билдирди.

МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг тор доирадаги учрашувида ҳам, кенгайтирилган тартибдаги музокараларида ҳам террорчиликка қарши курашда ўзаро ҳаракатларни такомиллаштириш зарурлигига алоҳида эътибор берилди. Сўнгги вақтда МДҲнинг бир неча мамлакатларида рўй берган воқеалар террорчиликнинг усуллари кўпайиб бораётганидан дарак беради. Бундай шароитда фақат жипслашиб ҳамкорлик қилиш билан мазкур иллатга қарши туриш мумкин. Ҳозирча МДҲ мамлакатларининг хавфсизлик йўлидаги ҳамкорлиги бугунги кун талаби даражасида эмас.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, вазият қанчалик мураккаб бўлмасин, террор муаммосига ҳамма давлат ҳам бирдай жиддий эътибор беряпти, деб бўлмайди. Террорчиликни бевосита амалга оширадиганларга қарши курашиш - чоранинг бошланиши, холос. Улар тайёрланадиган лагерларни бартараф этиш зарур. Энг муҳими, террорчиларни тайёрлаш, операцияларни молиялаштириш, одамларнинг онгини заҳарлаш билан шуғулланувчи марказларни йўқ қилиш керак.

Ислом Каримов МДҲ мамлакатларида экстремистик ташкилотларнинг рўйхатини тузиб, уларнинг фаолиятини қонун йўли билан тақиқлашни таклиф этди. Террорчиларнинг номманом рўйхатини тузиш ва уларнинг МДҲ мамлакатларидан наинки макон топиши, бу ҳудудга ҳатто қадам боса олмаслиги учун барча чора-тадбирларни кўриш керак, деди Ўзбекистон Президенти.

Айрим мамлакатлар ўзини террор учун «транзит» деб билиши, «тегмасак - бизга ҳам тегинмайди», деган тамойилга таяниши ўта хато, ҳатто хатарли қараш эканини бугунги ҳаёт, вазият яққол кўрсатиб турибди. Террор кутилмаган жойларга ҳам кириб бормоқда.

Демак, террордан холи мамлакат бор, деб бўлмайди. Шундай экан, унга қарши курашда ҳамкорлик қилиш, бунинг учун бор куч ва имкониятни сафарбар этиш керак.

Ислом Каримов бу борада барча давлатлар мазкур иллатга бир хил назар билан қараши, муаммога бир хил баҳо бериши ғоят муҳимлигини таъкидлади.

Бугунги кунда алоҳида олинган бирор давлат учун хавфсизлик тушунчаси ўз кучини йўқотган. Террорчи бир мамлакатда тайёрланади, иккинчисидан қурол, учинчисидан маблағ олади ва тўртинчи мамлакатда хунрезликни амалга оширади. Раҳнамолари эса яна бошқа бир мамлакатда ўрнашган бўлади. Дунёда рўй бераётган воқеалар террор чегара билмаслигини, миллат ва ёш танламаслигини кўрсатиб турибди. МДҲ мамлакатлари орасида эса чегара ва муҳожирликка, учинчи давлатлардан келган одамларнинг мамлакатдан мамлакатга ўтишига доир масалалар ҳали пухта кўриб чиқилмаган.

Демак, ҳеч бир мамлакат террор хавфидан тўла кафолатланмаган.

Саммит қатнашчилари ялпи хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашда, террорчилик, экстремизм ва уюшган жиноятчиликка, қурол-яроғ ва наркотик моддалар контрабандасига, ноқонуний муҳожирликка қарши курашда амалий ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтириш чораларини кўриб чиқдилар. Ушбу масала юзасидан МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг баёноти қабул қилинди.

Олий даражадаги учрашувда кўрилган асосий масалалардан яна бири МДҲга аъзо мамлакатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантиришдир. Президентлар МДҲ доирасидаги ҳамкорликка тўсиқ бўлаётган омилларни таҳлил этдилар. Тегишли ҳукумат органларига уларни бартараф этиш чораларини ишлаб чиқишни топширишга келишиб олдилар.

Ислом Каримов эркин савдо зонасини барпо этиш масаласи ҳамон оқсаётганини таъкидлади. Ҳолбуки, бу билан кўпгина муаммоларга ечим топиш мумкин бўлур эди. Товар ва хизматларнинг эркин ҳаракати ўзаро ишонч ва ҳамкорлик руҳини мустаҳкамлайди, ахборот алмашуви кучаяди. Айни пайтда қонунга хилоф савдо-сотиққа чек қўйилади. Бу эса нафақат контрабанда ва ноқонуний муҳожирлик каби иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш, балки хавфсизлик нуқтаи назаридан ҳам ғоят муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан илгари сурилган Марказий Осиё умумий бозорини яратиш ғояси замирида интеграциянинг ана шундай шакли ўз ифодасини топган. Аслида эса умумий бозорнинг ва эркин савдо зонасининг моҳияти битта. Ислом Каримов учрашув қатнашчиларини бу йўналишдаги саъй-ҳаракатларни фаоллаштиришга, тезроқ амалий ишга ўтишга чақирди.

Саммитда энергетика, сув заҳиралари, транспорт ва бошқа соҳаларда МДҲ мамлакатларининг ҳамкорлигини ривожлантиришга оид масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Саммитда ноқонуний муҳожирликка қарши курашдаги ҳамкорлик концепцияси, жиноятчиликка қарши кураш бўйича 2005-2007 йиллардаги қўшма чора-тадбирларнинг давлатлараро дастури, шунингдек, наркотик воситалар, психотроп моддалар ва прекурсорларнинг ноқонуний савдосига қарши курашда 2005-2007 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин МДҲ Давлат раҳбарлари кенгашининг раиси этиб сайланди.

Остонада Ўзбекистон ва Россия раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтди. Ислом Каримов ва Владимир Путин икки томонлама алоқалар, жумладан, хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги ҳамкорликка доир масалаларни муҳокама қилдилар. Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик тамойилларига таянувчи муносабатларнинг бугунги аҳволини таҳлил этиб, истиқболига оид масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Остона-Тошкент.**

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгашнинг навбатдаги йиғилиши ўтказилди.**

**• Жиззах олий ҳарбий авиация билим юртида курсантларнинг қасамёд қилиш маросими бўлиб ўтди.**

**• Кеча ўтказилган Халқ депутатлари Сурхондарё вилояти кенгашининг навбатдаги сессиясида «Меҳр ва мурувват йили» Давлат дастури юзасидан олиб борилаётган ишлар муҳокамасига алоҳида урғу берилди.**

**• Тошкентда шўрланган тупроқ шароитида деҳқончилик қилишнинг самарали усуллари ва воситаларига бағишланган халқаро анжуман ташкил этилди.**

**• «Ўзсаноаткурилишбанк»нинг Бухоро вилоят бўлими замонавий алоқа воситалари ва компьютерлар билан тўла жиҳозланган янги бинога кўчиб ўтди.**

**• Навоий вилоятининг Томди туманида янги рақамли автомат- телефон станцияси фойдаланишга топширилди. Энди туман аҳолиси ер куррасининг ҳар қандай нуқтаси билан алоқага чиқиши, Интернет тизимидан бемалол фойдаланиши мумкин.**

### Жаҳонда

**• Шимолий Осетия Президенти Александр Дзасохов Беслан шаҳарчасида бўлиб ўтган террорчилик ҳаракатидан сўнг амалдаги ҳукуматга истеъфо бериб, ҳукуматнинг янги вазирларини тайинлади.**

**• Хитойнинг Шанхай шаҳрида келаси йили дунёдаги энг катта кўприкни қуришга қарор қилинди. Шанхай шаҳри ва Чунминдао оролини бирлаштириб турувчи ушбу улкан кўприкнинг узунлиги 10 километр бўлади.**

**• Бағдод шаҳри марказида полиция участкаси ёнида портловчи моддалар билан тўлдирилган автомобилнинг портлатилиши натижасида 47 киши ўлган, ярадорлар сони эса 100 кишидан ошган.**

**• Нью-Йоркдаги «Колумбия» касалхонасида АҚШнинг собиқ Президенти Билл Клинтоннинг юраги операция қилинди. Беш соат давом этган операция муваффақиятли ўтди ва ҳозирда Клинтон ўзини яхши ҳис қилмоқда.**

**• Индонезиянинг Медин шаҳрида 23-26 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган халқаро туризм кўргазмасида Малайзия, Хитой ва Хитой Тайпейидан ўнлаб компаниялар иштирок этади.**

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

• **КЕЧА** Сергели туманидаги Собир Раҳимов, «Тинчлик», Амир Темур номли маҳаллалар ҳамкорликларида фаоллар иштирокида «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилган тадбир «Огоҳлик—давр талаби» деб номланди.

• **МИРЗО** Улуғбек туман халқ таълими бўлимида туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликларида «Аёл билан олам мунаввар», «Аёл, дин, дунё» мавзуларида тадбир бўлиб ўтди.

• **ЭРТАДАН** бошлаб шаҳримизда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртлари, корхона- ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотларида сайловлар бошланади. Ушбу тадбирлар 25 сентябрга қадар давом этади.

• **КЕЧА** Халқаро озон қатламини ҳимоя қилиш куни муносабати билан озон муаммоси билан шуғулланаётган олимлар, табиатни муҳофаза қилиш ташкилотлари ходимлари ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилган тадбир «ЭКОСАН» халқаро хайрия жамғармаси, Тошкент Давлат техника университети, Олий инженерлик педагогика институти ҳамкорликларида уюштирилди.

• **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Фанлар академиясининг Ботаника илмий ишлаб чиқариш маркази ташаббуси билан олимлар иштирокида ўтказилган илмий-амалий анжуман Марказий Осиёда ботаника фанини ривожлантириш истиқболларига бағишланди.

• **ШАҲРИМИЗДА** фаолият юритаётган Тил марказида АҚШ Давлат департаменти ҳомийлигида кам таъминланган оилалар фарзандлари учун инглиз тилини бепул ўқитиш курслари ташкил этилди.

• **БАДИИЙ** академиянинг марказий кўргазмалар залида Республика хотин-қизлар қўмитаси, «Соғлом авлод учун» халқаро жамғармаси ҳамкорликларида уюштирилган мусиқий-адабий кеча «Ўзбекистонда халқлар дўстлиги» деб номланди.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Қандай ҳолларда алимент миқдори камайтирилиши ёки ота (она) алимент тўлашдан озод этилиши мумкин?**

**Б.Ғозиев, шифокор.**

Қуйидаги ҳолларда алимент миқдори суд томонидан камайтирилиши мумкин:

1) алимент тўлаётган отанинг (онанинг) бошқа вояга етмаган болалари бўлиб, ундан қонунда белгиланган миқдорда алимент ундирилганда ўша болалари алимент олаётган болаларига нисбатан моддий жиҳатдан камроқ таъминланиб қоладиган бўлса;

2) алимент тўлаётган ота (она) ногирон бўлиб, моддий жиҳатдан қийналиб қолаётган бўлса;

3) алимент олаётган шахс мустақил даромадга эга бўлган тақдирда.

Агар вояга етмаган бола давлат ёки нодавлат муассасаларининг тўлиқ таъминотида бўлса, суд алимент тўлаётган ота ёки онанинг моддий аҳволини ҳисобга олиб, қуйидаги икки қарордан бирини чиқариши мумкин:

1) тўланаётган алимент миқдорини камайтириш ҳақидаги ҳал қилув қарорини;

2) отани (онани) алимент тўлашдан озод қилиш ҳақидаги ҳал қилув қарорини.

Алимент миқдорини камайтириш ёки уни тўлашдан озод қилиш учун асос бўлган ҳолатлар тугаганда манфаатдор тараф алимент қонунда белгиланган миқдорда ундирилишини талаб қилиб судга мурожаат этишга ҳақли.

* * *

**Сувсиз яшаш мумкин эмас. Бунинг сабаби нимада? Умуман нима учун сув ичамиз? Бизнинг кўп тортишувли суҳбатимиз шу ҳақда кетади. Газета орқали изоҳли жавоб олишни истар эдик.**

**Ю.Ибрагимова, Б.Икромова, талабалар.**

Сувсиз яшай олмаслигимизнинг сабаби шундаки, инсон ҳамиша сувни ўз танасидан сарф қилади, демак унинг ўрнини ўз вақтида тўлдириб туриши керак. Совуқ ойнага қараб нафас чиқаринг. Ойна терлайди ва сув томчилари билан қоплана бошлайди. Сув қаёқдан келди. Албатта танангиздан. Ёки иссиқ кунда жуда терлаб кетдингиз. Хўш, тер қаердан келди. Яна ўша танангиздан.

Инсон бир кеча-кундузда тахминан ўз вужудидан ўн икки стакан сувни сарф қилади, йўқотади, шунга яраша у шунча сувни истеъмол қилиши керак. Инсон яшаши учун энг керакли озуқаларда, хусусан гўштда, нонда, сабзавотлар ва бошқа озиқ-овқатда сув миқдори бошқа моддалардан кўпроқдир. Гўштда сув миқдори бошқа моддалардан кўра уч баравар кўп, бодринг, шафтоли каби мева ва сабзавотларнинг барча моддаси сувдан иборатдир.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки сув танамизнинг тузилишида иштирок этадиган энг муҳим моддадир. Инсон озиқ-овқатсиз узоқ вақтгача яшай олиши мумкин, лекин сувсиз бир неча кун ҳам ҳаёт кечира олмайди.

**Ҳурматли ҳамшаҳарлар! Ўзингизни қизиқтирган барча масалалар бўйича 133-29-09 телефонига қўнғироқ қилсангиз, малакали мутахассислар ёрдамида саволларингизга батафсил жавоб беришга ҳаракат қиламиз. Мактуб ёзинг, қўнғироқ қилинг.**

**Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида, хусусан, суд-ҳуқуқ соҳасида туб ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Конституциямиз ва бошқа қонун ҳужжатларида баён этилган инсон ҳуқуқлари, демократия ва ижтимоий адолатга садоқат тамойиллари тобора кенгроқ қарор топаётир. Бу эса демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг мустаҳкам ҳуқуқий пойдевори бўлиб хизмат қиляпти.**

# КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

Давлат бошқарувида, суд тизими ва ҳуқуқ-тартибот органларида ўтказилаётган ислоҳотлар аввало фуқароларнинг эркинлиги ва конституциявий ҳуқуқларини таъминлашга йўналтирилаётир.

Пойтахтимиздаги «Интерконтинентал» меҳмонхонасида «Ўзбекистон Республикасида конституциявий одил судловнинг ташкил топиши ва такомиллаштирилиши» мавзуида ўтказилган халқаро анжуманда шу ҳақда сўз борди. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди томонидан Германия техник ҳамкорлик жамияти кўмагида ташкил этилган мазкур халқаро анжуманда Германия Федератив Республикаси, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон суд ҳокимияти вакиллари ва ҳуқуқшунослар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси М.Абдусаломов бошқарган мазкур анжуманда таъкидланганидек, мустақиллик йиллари тажрибаси мамлакатимиз учун тамомила янги ҳуқуқий институт сифатида Конституциявий назоратнинг ташкил этилганлиги нақадар муҳим қадам бўлганини кўрсатмоқда.

Конституциявий суднинг барча ваколатлари замон талабларига мос равишда амалга оширилаётир. Мазкур суд Конституциямизга таянган ҳолда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилмоқда. Унинг энг муҳим қарорлари фуқароларнинг уй-жойга, ижтимоий муҳофазасига, фуқаролик конституциявий ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган. Бундан ташқари, Конституциявий суд томонидан хусусий тадбиркорлар, банк омонатчилари ва бошқа соҳа вакилларининг ҳуқуқлари ҳимоясига оид ишлар кўриб чиқилмоқда. Қонунчилик ташаббусидан фойдаланиб, Олий Мажлисга кўплаб қонун лойиҳалари, уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар тақдим этилмоқда.

Анжуманда мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар хорижий давлатлар томонидан катта қизиқиш билан кузатиб борилаётгани таъкидланди. Мазкур анжуман юртимизда конституциявий одил судловни янада такомиллаштиришга хизмат қилажагига эътибор қаратилди. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини янада кенгроқ таъминлаш йўлларини ишлаб чиқиш борасида ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Анжуманда Ўзбекистон Олий суди раиси Ф.Муҳитдинова, Олий хўжалик суди раиси А.Ишметов иштирок этди.

**Беҳзод НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

# ЮҚОРИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КЎРГАЗМАСИ

**Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ"да 21-23 сентябрь кунлари "Телекоммуникация ва ахборот технологиялари-2004" бешинчи халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади.**

Кўргазма *InfoCom* 2004 ахборот технологиялари ҳафталиги доирасида бўлиб ўтади. Шуни назарда тутиб , кўргазма иштирокчилари жаҳон стандартлари талабларига жавоб берадиган ахборотлаштириш соҳасидаги юқори технологиялар ҳамда маълумот узатиш тармоқлари, дастур маҳсулотлари ва ускуналарни намойиш қилишга аҳд қилдилар.

Экспозиция бир неча бўлимдан иборат бўлиб, булар қуйидагилардир: "Интернет ва телекоммуникациялар", "Компьютер ва ахборот технологиялари, дастурлар таъминоти", "Теле ва радиоузатиш тизимлари", "Банк идора жиҳозлари ва технологиялари", "Хавфсизлик тизимлари", "Маърифат ва таълим".

Кўргазма доирасида кўпгина тадбирлар,хусусан, ахборотлашган жамият бўйича миллий саммит, корпоратив тақдимотлар, компания семинарлари, интернет фестивали, ахборот коммуникация технологиялари телемарафон, компьютер ўйинлари турнири ўтказилиши режалаштирилган.

*Иқтисодиёт*

# ҲАМКОРЛАРИ КЎПАЙМОҚДА



**Мустаҳкам, замонавий, шовқин ва чангдан ҳимояловчи, чидамли, сифатли ва харидор дидига мос маҳсулотлар ишлаб чиқараётган «Generous» корхонасиниг бугунги кундаги асосий ҳамкори Туркиянинг «Акра» фирмасидир.**

Ҳамкорликнинг самараси юқори бўлиши барчамизга яхши маълум. Айниқса корхона бозор иқтисодиёти даврида четдан келтирилаётган рақобатбардош маҳсулотларга тенглаша оладиган даражада ишлаб чиқаришни йўлга қўймаса инқирозга учраши тайин. Буни яхши англаб етган «Generous» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари замон талабидан келиб чиққан ҳолда, узоқни кўзлаб ҳамкорлик асосида фаолият бошлашди.



Жамият алюмин профилларидан эшик ва ромлар, турли кўринишдаги ва ҳажмдаги витражлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, бугунги кунда бу ерда ишловчи ишчилар сони 40 нафардан ошди.

— Айни пайтда корхонамизнинг алюмин ва пластик цехларида 20 нафар маҳаллий ёшларимиз иш олиб боришмоқда, — дейди масъулияти чекланган жамият раҳбари Фарҳод Ортиқхўжаев. — Ёшлар корхонамизнинг илғор кучлари саналишади, уларда имкониятлар жуда катта. Айниқса улар замонавий технологияларни бемалол бошқара олишгани боис корхона ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига ўзларининг муносиб улушини қўшмоқдалар.

Яқинда ушбу корхонага банкдан олинган кредит ҳисобига, Туркиядан бешта замонавий дастгоҳ келтириб ўрнатилди. Ҳозирда бу ускуналар ёрдамида пластик хом ашёдан янги турдаги эшик ва ромлар ишлаб чиқарилмоқда. Шовқинни ўтказмайдиган, чангдан ҳимояловчи мустаҳкам корхона маҳсулотларига хом ашё, бутловчи қисмлар Туркиянинг «Ўзчилик» фирмасидан олиб келинади. Алюмин профиллар, пластик хом ашёлар четдан келтирилганлиги боис корхонада ушбу маҳсулот бўлаклари кесилиб йиғилади ҳамда тайёр маҳсулот харидор келишувига асосан корхона ходимлари томонидан бепул ўрнатилиб берилади. Ҳозирда жамият томонидан ишлаб чиқарилаётган ром ва витражлар республикамизнинг муҳташам биноларига янада кўрк бағишлаб турибди. Жумладан, «Отел Ўзбекистон» меҳмонхонаси, «Хоразмпахтасаноат» ва «Сурхондарёвилоятгазтаъминот» корхоналари биноси Самарқанддаги «Регистон» ресторани, шаҳримиздаги кўркам «Туркистон» саройи шулар жумласидандир.

Бундан ташқари республикамиз вилоят ва туман ташкилотлари шартномасига кўра корхона ходимлари янги биноларнинг сифатли битказилишига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

— Айни пайтда эса шаҳримизда фаолият юритаётган банклар билан тузилган шартномага кўра туманлар ҳудудларига валюта айирбошлаш шохобчалари ўрнатмоқдамиз, — дейди корхона раҳбари. — Ўтган йили 9 ой мобайнида 16 миллион сўм миқдорда маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, бу йили бу кўрсаткич 33,2 миллион сўмни ташкил қилди. Ҳозирда асосий ҳамкоримиз Туркия давлати тадбиркорлари бўлса, эндиликда Россия фирмалари билан ҳам ҳамкорликни йўлга қўйиш ниятидамиз.

**Орзугул РУСТАМОВА**

**СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятидан лавҳалар.**

## ДУШАНБА, 20

### «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом Ўзбекистон».
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45, 17.55 ТВ-маркет
8.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳужжатли сериал.
9.40 «Бизнес ҳафта».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Камалак» Болалар учун кинодастур.
11.30 «Ўзбекистон солистлари» камер оркестрининг концерти.
11.55, 13.55 ТВ-анонс
12.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
12.25 «Дастурхон атрофида».
12.35 «Олтин дала». Дам олиш дастури
13.05 Япония: «Руҳият ва макон». Ҳужжатли сериал..
13.50 Мусиқий танаффус
14.10 «Ободлик кўнгилдадир».
14.30 «Маслак ва мақсад»
15.00 Кундузги сеанс: «Илонлар водийсининг касофати» Бадиий фильм.
16.40 «Масъул сўз».
17.00 1. «Улғайиш поғоналари». 2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.10 «Кино Театр»
18.30 Бир жуфт қўшиқ
18.40 «Қалқон».
19.10 «Мулкдор»
19.30 Ахборот (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари
20.30 «Ахборот».
21.05 2004 йил - Меҳр ва мурувват йили. «Ҳиммат».
21.25 «Хониш». Мусиқий дастур
21.55 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба: «Муҳаббат ва эҳтирос». (Корея)
22.55 «Оҳанглар оғушида»
23.00 «Ахборот-дайжест».
23.20 - 23.25 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар»

15.55 Кўрсатувлар дастури
16.00 «Давр» ҳафта ичида
16.30, 18.20, 19.45, 22.40 ТВ-анонс
16.35 Жаҳон жўғрофияси
17.25 «Янги авлод» почтаси.
17.45 Мульттомоша
18.00 Умид ғунчалари
18.25 Қуёшли юрт одамлари
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр - репортаж»
19.50 Сен ёлғиз эмассан...
20.05 Мусиқий лаҳзалар
20.15 Ёшлар овози
20.40 «Жюли Леско». Телесериал
21.30 Бир ўлкаки...
21.50 Олтин мерос
22.45 Футболплюс
23.05 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол
00.45-00.50 Хайрли тун.

### «Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23, 5 даража бурчак остида».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Халқ саломатлиги йўлида».
18.30, 20.00, 20.50, 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТВда сериал: «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Мурувват».
21.10 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.50 ТТVда сериал: «Хаёлот ороли».
22.30 «Ёшлар даврасида».
22.50 Кинонигоҳ. «Катта дада».
00.15-00.20 Хайрли тун, шаҳрим!

### «Спорт»

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.05 «Орзудаги жамоа». Сериал.
9.30 Жаҳон спорти. Проф-РИНГ.
10.10 «Аёллар ва спорт».
10.30 Дисней-клуб.
11.00 Янгиликлар.
11.05-13.10 «Италияликларнинг Россиядаги саргузаштлари». Кинокомедия.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Спорт-антракт».
17.20 «Ё устидан, ё остидан». Н. Фоменко билан беллашув.
18.00 «Клон». Сериал.
19.00 «Мени кутгил».
20.00 «Время».
20.30 «Спорт клуб».
20.40 «3-тайм».
21.00 Хабарлар.
21.15 «Спортимиз маликалари».
21.30 «Чемпионлар лигаси»да.
23.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-й канал

**До 16.55 профилактические работы**

16.55 Открытие программы
17.00 «Теле хамкор»
17.20 «Детский час»
18.00 Киновечер на «30 м»: «Три сестры», драма
19.40 «Ошикона», мусикий дастури
20.20 «Чужое лицо», сериал
21.10 «Спокойной ночи, малыши»
21.15 «Теле хамкор»
21.30 «Музыкальная пауза»
22.10 Киновечер на «30 м»: «Мишель Вальян, жажда скорости», приключения
00.00 Программа передач

### Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 4.00 Новости
8.05 Х/ф «Суровые километры»
9.20, 18.00 Сериал «Клон»
10.30 Дисней-клуб: «Алладин»
11.05 Комедия «Невероятные приключения итальянцев в России»
13.10 Сериал «Женщины в любви»
14.20 Сериал «Сыщики»
15.30 Док.детектив «Маклеры» в погонах».
16.00 «Пять вечеров». Понедельник
17.20 «Пан или пропал». Поединок с Николаем Фоменко
19.00 Жди меня
20.00 Время
20.30 Детектив «Участок»
21.40 Спецрасследование. «Книжная мафия»
22.30 Ночное «Время»
22.50 Искатели. «Княжеский камень»
23.20 «Сканер»
23.50 «Розы для сеньоры Раисы». Док/ф
00.30 Фильм «На краю»
1.50 Комедия «Парень из пузыря»
3.10, 4.05 Триллер «Ускользающий вирус»

### Россия

2.00 «Доброе утро, Россия!»
5.45 «Вести недели с Сергеем Брилевым».
6.45, 14.50 «Ундина. На гребне волны». Телесериал.
7.40 «В Городке».
7.50, 10.45, 16.50, 1.40 Вести. Дежурная часть.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Вести.
8.30, 11.10, 13.40, 17.30 Местное время. Вести-Москва.
8.50 Телесериал «Бедная Настя».
9.50 «Что хочет женщина?».
11.30 Комедия «Сердцеедки»
14.20 «Честный детектив».
15.50 Детектив «Марш Турецкого. Новое назначение».
17.50 «Спокойной ночи, малыши!».
17.55 Телесериал «Красная площадь».
19.00 Телесериал «Штрафбат».
20.00 «Вести+».
20.20 «Мой серебряный шар. Раиса Горбачева».
21.15 «Народный артист».
21.30 «Синемания».
22.00 «Дорожный патруль».
22.20 Х/ф «Не будем ссориться»
24.00 Канал «Евроньюс» на русском языке.

### ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 М/с «Ураганчики».
8.30 М/с «Мумии возвращаются!»
9.00 М/с «Мэри Кейт и Эшли».
9.30, 14.30 Д/с «Хвостатые истории».
10.00 Ток-шоу «Моя семья».
11.00 Телесериал «Дороги любви».
12.00 Х/ф «Парад планет».
14.00, 1.00 Д/с «Кунсткамера».
15.00, 19.00 Ток-шоу «Большая стирка».
16.00 Телесериал «Три судьбы».
17.00 Х/ф «Небесный источник».
20.00, 1.30 Х/с «Леди босс».
21.00 Х/ф «Мокасины маниту».
22.45 Х/ф «Белые пески».

### НТВ

**Уважаемые телезрители! В связи с профилактическими работами, вещание на спутнике до 22.30 приносим извинения за причиненные неудобства**

5.00 «Сегодня утром»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00 «Сегодня»
9.20 «Преступление в стиле «модерн».
9.55 «Особо опасен!»
10.25 Х/ф «Отряд особого назначения»
12.40 Сериал «Адвокат»
14.35, 17.35 «Криминальная Россия»
15.20 Ток-шоу «Принцип домино»
16.25 Сериал «Рокировка»
18.40 Детектив «Улицы разбитых фонарей-VI»
19.50 Сериал «Фабрика грез»
21.00 «Страна и мир».
21.35 Сериал «Секс в большом городе»
22.10 «Школа злословия». Ток-шоу

## СЕШАНБА, 21

### «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳужжатли сериал.
9.25 «Шеърга кўчган кўнгил».
9.40 «Соғлом она - соғлом бола»
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Мулкдор»
10.20 «Оловуддиннинг сеҳирли чироғи» Бадиий фильм.
11.40 «Ўзбекистон бастакорлари».
12.05 «Шахсий фикр».
12.35 «Муножат» Фильм-концерт
13.10 «Япония»: «Руҳият ва макон» Ҳужжатли сериал
13.55 ТВ-анонс
14.10 «Муносабат».
14.40 «Қишлоқ ҳаёти»
15.00 «Бу турфа олам»
15.50 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси». 2. «Қувноқ стартлар»
16.50 ТВ-клип
17.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Инсоннинг вафодор дўстлари». Премьера
18.25 Мумтоз наволар
18.40 ТВ-синов
18.45 «Остонаси тиллодан»
19.05 «Тафсилот»
19.30 Ахборот (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.30 «Ахборот».
21.05 «МСК хабарлари»
21.15 Ўзбекистон халқ артислари куйлайди
21.30 «Надомат» Ҳужжатли фильм
21.55 «Ўзбекистон» телеканалида илк маротаба «Муҳаббат ва эҳтирос». Телесериал
22.55 «Оҳанглар оғушида»
23.05 «Ахборот-дайжест».
23.25-23.30 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг» Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Давр - репортаж»
9.35 «Жюли Леско» Телесериал
10.15, 11.45, 13.10, 16.10, 19.50, 22.40 ТВ-анонс
10.20 Футболплюс.
10.40 Қизил ҳудуд
10.55 «Учинчи сайёра» маърифий дастури
11.50 Болалар экрани: «Чип ва Дейл»
12.30, 18.25 Ёшлар овози.
12.50, 20.00 Мусиқий лаҳзалар.
13.15 «Кундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
13.30 Бир ўлкаки...
13.50 «Ўзбектелефильм» студияси намойиши «Жавоҳирлар дунёси»
14.00 «Сен ёлғиз эмассан...»
14.15 Минг бир ривоят
14.20 Интерфутбол
16.15 «Дарбадарлик» Бадиий фильм. 1-қисм
17.00 Кўрсатувлар дастури.
17.05 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар
17.25 «Акаиро» Мультфильм
17.45 Ёшлар куйлаганда
18.05 Таянч.
18.45 ТВ-афиша
18.50 Мумтоз наволар.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00, 22.00 Давр.
19.35 «Давр» интервью.
19.55 Ишга марҳамат!
20.10 «Сайлов — демократия кўзгуси»
20.30 Сув — ҳаёт манбаи
20.40 «Жюли Леско». Телесериал
21.30 Марди майдон
21.50 Олтин мерос
22.45 «Ҳаёт учун хавфли». Бадиий фильм
00.10-00.15 Хайрли тун.

### «Тошкент»

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «23, 5 даража бурчак остида».
17.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
17.55 «Хориж хабарлари».
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Болажон-қақажон».
18.30, 20.00, 20.50, 21.30 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.50 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.20 ТТVда сериал: «Муҳаббат тарихи».
20.20 «Билим» телеклуби.
21.10 «Долзарб мавзу».
21.50 «Инсон ва қонун».
22.10 ТТVда сериал: «Хаёлот ороли».
22.50 Кинонигоҳ: «Пакананинг саргузаштлари».
00.25-00.30 Хайрли тун, шаҳрим!

### «Спорт»

7.30 «Хабарлар».
7.45 «Бардам бўлинг». Тонгги дам олиш дастури.
8.45 «Хабарлар» (рус тилида)
9.00 «Болалар спорти».
9.15 «Орзудаги жамоа». Сериал.
9.40 Енгил атлетика. Гран-при.
10.30 «Спорт - менинг ҳаётим».
10.40 Дисней - клуб.
11.00 Янгиликлар.
11.05-12 30 В. Меркурьев «Ярим бекат» комедиясида.
16.55 Кўрсатувлар тартиби.
17.00 «Хабарлар» (рус тилида)
17.15 «Спорт-антракт».
17.20 «Ё устидан, ё остидан». Н. Фоменко билан беллашув.
18.00 «Клон». Сериал.
19.00 «Қора қузғун». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Болалар спорти».
20.45 «Спорт менинг ҳаётим».
21.00 Хабарлар.
21.15 «Эртага футбол».
21.25 «Спортимиз одимлари».
21.45 Жаҳон спорти. Еврофутбол.
23.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-й канал

12.00 Открытие программы
12.05 «Теле хамкор»
12.30 «Детский час»
13.00 «Чужое лицо», сериал
14.00 Художественный фильм, «Мишель Вальян, жажда скорости», приключения
15.30 «Ошикона», мусикий дастури
16.00 «Тайны мира», познавательная передача
17.00 «Теле хамкор»
17.20 «Детский час»
18.00 Киновечер на «30 м»: «Потерянное сокровище», приключения
19.40 «Ошикона», мусикий дастури
20.20 «Чужое лицо», сериал
21.10 «Спокойной ночи, малыши»
21.15 «Теле хамкор»
21.30 «Музыкальная пауза»
22.10 Киновечер на «30 м»: «Формула любви», комедия
00.00 Программа передач

### Первый канал

5.00 Телеканал «Доброе утро»
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 4.00 Новости
8.05, 20.30 Детектив «Участок»
9.20, 18.00 Сериал «Клон»
10.20 Мультсериал «Кошки-мышки»
10.40 Дисней-клуб: «Новые приключения Винни Пуха»
11.05 Комедия «Полустанок»
12.30 Смехопанорама Евгения Петросяна
13.00 Сериал «Женщины в любви»
14.20 Сериал «Сыщики»
15.30 «Фабрика звезд»
16.00 «Пять вечеров». Вторник
17.20 «Пан или пропал».
19.00 «Черный ворон». Сериал
20.00 Время
21.40 «ЦРУ против СССР. Приказано уничтожить». Док/ф
22.30 Ночное «Время»
22.50 «Фабрика звезд»
23.20 «Крылья»
23.50 «Подводный мир Андрея Макаревича»
00.20 Х/ф «Битва за Галактику».
2.05 Детектив «Последнее известное место жительства»
4.05 Сериал «Все путешествия команды Кусто».

### Россия

2.00 «Доброе утро, Россия!»
5.45, 17.55 Телесериал «Красная площадь».
6.45, 14.50 «Ундина. На гребне волны». Телесериал.
7.45, 10.45, 13.30, 16.50 Вести. Дежурная часть.
8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Вести.
8.30, 11.10, 13.40, 17.30 Местное время. Вести-Москва.
8.50 Телесериал «Бедная Настя».
9.50 «Что хочет женщина?».
11.30 «Частная жизнь».
12.30, 19.00 Телесериал «Штрафбат».
14.20 «Кулагин и партнеры».
15.50 Детектив «Марш Турецкого. Новое назначение».
17.50 «Спокойной ночи, малыши!».
20.00 «Вести+».
20.20 «Кто Вы, мистер Рид?».
21.15 «Народный артист».
21.30 Боевик «Криминальные связи»
23.25 «Дорожный патруль».
23.40 «Горячая десятка».
00.35 Детектив «Полиция Майами: отдел нравов»
1.30 «Навеки Джулия». Телесериал

### ТВ-3

7.30 Победоносный голос верующего.
8.00 М/с «Ураганчики».
8.30 М/с «Мумии возвращаются».
9.00 М/с «Эволюция».
9.30, 14.30 Д/с «Хвостатые истории».
10.00 Ток-шоу «Моя семья».
11.00 Телесериал «Дороги любви».
12.00 Х/ф «Белые пески».
14.00, 1.00 Д/с «Кунсткамера».
15.00, 19.00 Ток-шоу «Большая стирка».
16.00 Телесериал «Три судьбы».
17.00 Х/ф «Путешественник».
20.00, 1.30 Х/с «Леди босс».
21.00 Х/ф «Остров сокровищ».
23.00 Х/ф «Бунт».

### НТВ

5.00 «Сегодня утром»
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 23.30 «Сегодня»
9.20 «Преступление в стиле «модерн».
9.50 «Стресс». Ток-шоу
10.55, 18.40 Сериал «Улицы разбитых фонарей-VI»
12,30 Сериал «Возвращение Мухтара»
13.25, 19.50 Сериал «Фабрика грез»
14.35, 17.35 «Криминальная Россия»
15.20 Ток-шоу «Принцип домино»
16.25 Сериал «Рокировка»
21.00 «Страна и мир».
21.40 Сериал «Секс в большом городе»
22.20 23.45 Триллер «Часы отчаяния»
1.00 Сериал «Скорая помощь»

## ЧОРШАНБА, 22

### «Ўзбекистон»

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Ҳужжатли сериал.
9.25 «Остонаси тиллодан».
9.45 «Табиат шифохонаси».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар
10.05 «Тафсилот»
10.25 «Кутилмаган меҳмон» Бадиий фильм.
11.40 «Тайёрланмаган дарслар мамлакати» Мультфильм
12.05 «Яхшилик».
12.35, 13.55 ТВ-анонс.
12.40 «Созлар садоси» Мусиқий дастур
13.10 «Япония: Руҳият ва макон» Ҳужжатли сериал
14.10 «Қалб гавҳари».
14.30 Кундузги сеанс: «Ширин орзулар» Бадиий фильм.
16.10 «Ягона оилада».
16.40 «Таълим ва тараққиёт».
17.00 1. «Боликнинг мовий осмони», 2. «Қизиқарли учрашувлар».
18.10 «Қуёшнинг кўз ёшлари» Мультфильм
18.20 «Куйла, ёшлигим».
18.40 «Агар Сиз...»
19.05 «Ҳаётимиз қомуси»
19.30 Ахборот (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Солиқ хизмати хабарлари».
21.10 «Муносабат»
21.40 Мусиқий альбом
21.45 «Журналист таҳлили».
22.05 «Сангам». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.05 «Оҳанглар оғушида».
23.10 «Ахборот-дайжест».
23.30 - 23.35 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар»

6.55 Кўрсатувлар дастури
7.00 «Мунаввар тонг» Информацион-дам олиш дастури.
8.30 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар
8.50, 12.25, 13.10, 19.35, 22.40 ТВ анонс.
8.55 Иқлим.
9.00, 13.00, 16.00 Давр.
9.25 «Жюли Леско»
10.05 «Давр» - интервью
10.20 «Янги авлод» почтаси.
10.40 Таянч.
11.00 Жаҳон жўғрофияси
11.50 Сайлов - демократия кўзгуси
12.10 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Қушлар».
12.25 Сув - ҳаёт манбаи
12.30, 17.55 Ёшлар овози.
12.50, 20.10 Мусиқий лаҳзалар.
13.15 «Қундуз амакининг ҳикоялари». Мультсериал.
13.30 Қўли гул уста
13.50 Бегойим
14.10 «Кузги марафон» Бадиий фильм
15.40 Қуёшли юрт одамлари
16.10 «Дарбадарлик» Бадиий фильм. 2-қисм.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар
17.20 Болажон
17.35 Тенгдошлар

Давоми 4-5-бетларда.

### Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Ҳамма одамлар аслида бир хил, дунёга келишлари ҳам бир хил. Фақат табиатан ҳалол одамнинггина номи баланд.

● Ҳалоллик ҳар қандай мартабани безайди.

● Ҳалол одам учун энг оғир ҳақорат уни ноҳалолликда айблашдир.

● Ҳалол одамни таъқиб этиш мумкин, лекин уни бадном қилиб бўлмайди.

● Ҳалол одам бировнинг ҳақига хиёнат қилмайди.

● Бузоқни ҳақи бор деб, сигирнинг сутини ичмайди, деган нақл икки хил маънода тушунилади. Биринчиси, кесатиқ, иккинчиси ҳаромдан ҳазар қилиш. Аслида эса иккинчи маъно ҳақиқатга тўғрироқдир.

ҲИКОЯТ. Бир кишининг бир сигири бор эди. Сутига сув қўшиб сотиб, бойиди, бир неча сигир жам қилди. Бир куни сел келиб, ул сигирларнинг ҳаммасини оқизиб кетди. Ўша кишининг норасида боласи шундай деди: «Э падар, сутга қўшкон пароканда сувлар йиғилиб келиб, сигирларимизни оқизиб кетди».

● Нақл қилурларки, ҳазрат Мир Кулол оналари дер эканлар: «Амир Кулол қорнимда экан, ногоҳ шубҳали луқма ютиб қўйсам, кўкрагим остида шу қадар қаттиқ оғриқ пайдо бўлардики, ҳатто ҳушдан кетаёзардим. Кейин маълум бўлдики, бу ҳол покиза фарзандим баракотидан экан».

БАЙТ:

**Нишоним шулки, мен**
**покиза фарзанд,**
**Отам ҳам пок, онамдур**
**афифа.**
**Дилим поку йўлим**
**пок, этагим пок,**
**Тариқатим эрур —**
**Абу Ҳанифа.**

● Олижаноб бўлишнинг ўзи кифоя эмас. Боодоблик ҳам зарур.

● Одоб — юракнинг ақли.

● Боодоблик энг муҳим инсоний фазилатларидан бири, бу хислатнинг йўқлиги кўпинча зўр талантларга завол бўлади.

● Модомики, бир-икки оғиз ширин сўз одамни бахтли қилса, шуни қизғаниш учун аблаҳ бўлиш керак.

● Боодоблик ҳар ерда — ҳатто таъзияда ҳам керак.

● Донолар айтади: «Агар таъзияга боришнинг одоби нечта?» деб сўрасалар, саккизта деб айт. Биринчидан, таъзияга борган одам кам гапирсин. Иккинчидан, салла-тўнини йиртиб, улоқтириб йиғламасин, ортиқча оҳ-воҳ қилмасин. Учинчидан, қўлини кўксига уриб, юзини юлиб дод солмасин. Тўртинчидан, беҳудага бемаъни гапларни гапирмасин. Бешинчидан, мотам эгаларига сабру қаноат тиласин. Олтинчи ва еттинчидан, қўлидан нима келса ёрдам берсин. Саккизинчидан, марҳумнинг ўлимидан ўзига ибрат олсин, яъни ўлим ўзининг бошига ҳам келишини ўйласин.

БАЙТ:

**Ҳар кимки чучук сўз элга**
**изҳор айлар,**
**Ҳар нечаки ағёр дурур**
**ёр айлар,**
**Сўз қаттиғи эл кўнглига**
**озор айлар,**
**Юмшоғи кўнгилларни**
**гирифтор айлар.**

● Қаноат ва сабр-матонат кишини юксак ишларга чорлайди.

**Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Идоралараро кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 ноябрдаги «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишда жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг ижроси таҳлил этилди.**

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Қарорда оммавий ахборот воситаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг тарғиботига, истеъмолчиларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланган. Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан ўтказилган кузатув натижаларига кўра матбуотда, радио ва телевидениеда мазкур қарорнинг мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиниши билан боғлиқ мавзуларда кўплаб материаллар берилмоқда.

Олий ва ўрта махсус таълим ва Халқ таълими вазирликлари томонидан мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида жорий ўқув йилидан бошлаб тизимдаги таълим муассасаларида «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун меъёрларини ўқитиш бўйича махсус курслар киритилди.

Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан аҳолининг ҳуқуқий ва истеъмол маданиятини оширишга доир чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Жумладан, реклама роликларини ишлаб чиқиш, ташқи рекламани жойлаштириш, меъёрий ҳужжатлар тўпламини чоп этиш кўзда тутилган.

ЎзА

*ГАП ЭГАСИНИ ТОПСИН*

# ЗИЙРАК БОБО ШАҲАР КЕЗАДИ

## ОРАСТАЛИК ЯРАШАДИ

Шаҳримизда ҳавас қилса арзигулик бир-биридан гўзал бинолар кўп. Ҳатто улар орасида шу қадар юксакликка бўй чўзганлари ҳам борки, уларнинг юқори қаватига қарасанг гўё дўппинг ерга тушгудек. Бу биноларнинг ҳаммаси инсонлар учун бунёд этилган. Лекин биз ҳамиша ҳам улардан тўғри фойдаланиб, ташқи кўринишига путур етказмаяпмизми? Келинг, яхшиси бу саволга жавоб топиш учун ўша биноларнинг пешайвонларига (балконларига) назар ташлайлик. Ана энди айтинг, уларнинг ҳаммаси ҳам биз истаганчалик ёки ўша бинонинг ҳуснига хос тартибли ва орастами? Йўқ албатта. Бу қаватма-қават чўзилиб кетган пешайвонлар орасида шундайлари ҳам кўзга ташланадики, уларга қараб туриб беихтиёр ранжиб кетасан киши. Бирида эски стол-стуллар, қурилиш материаллари уйиб ташланган бўлса, бошқасида шундоққина кўзга кўринадиган жойга ювилган кир-чир кўйлаклар, ички кийимлар пала-партиш осиб ташланган.

Ўзимиз гувоҳ бўлган бир мисол. Яқинда Чилонзордаги кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи қадрдонимизникида бўлдик. Меҳмонхонада узоқ гаплашиб ўтиришдан зерикиб, очиқ ҳавода нафас олиш учун пешайвонга чиқдик. Кўзимиз дарҳол бир бурчакда уйиб ташланган қишки оёқ кийимларга тушди. Пешайвоннинг узунасига кетган тўсқичларига турли эски кийим-кечаклар қатор ва бетартиб осиб ташланган эди. Икки уй орасидаги майдончага назар ташлаймиз. Унда болалар тўп тепиб ўйнаб юришибди. Майдонча тепасида ҳар икки қарама-қарши уйлар оралиғида тортилган арқонларга осиб ташланган, кир-чирлар чанг-тўзонда тебраниб, ўзини кўз-кўз қилиб турибди. Улар ювилиб тозалангани нима-ю, мана бунақа чанг-тўзонда бепарволик билан қолдирилганлиги нима?

Мезбон нигоҳимиз бу манзарага узоқ қадалиб қолганидан дилимиздагини сезди шекилли:

— Шундай қилишга мажбурмизда. Ювиб тозаланган кир-чирларни қуритадиган махсус жой бўлмагандан кейин нима ҳам қилардик, — деди.

Албатта, биз бу фикрга қўшилмадик. Ҳар қалай кун бўйи муҳташам биноларимизнинг баъзи пешайвонларида бундай ҳолни кўриш-кузатиш ачинарли. Ноилож бўлган тақдирда ҳам кирларни кечаси билан қуритиш, кундуз кунлари эса пешайвонларни тартибга келтириб қўйиш мумкиндир ахир. Шаҳримизда ўз пешайвонида гул ўстириб, уни ораста қилиб сақлаётган хонадонлар озмунчами? Улар кир-чирларини қаерда қуритаётган экан? Ҳеч бўлмаса улардан сўраб тажрибаларидан ўрганайлик ахир. Ҳозир ҳеч бир муаммо йўқки, чораси топилмаган бўлса. Наҳотки шундай бир пайтда кичик масалани кўнгилли ҳал этиш мумкин бўлмай қолган бўлса?

Ҳал қилиш мумкин. Унинг чораси ҳам бор. Фақат бунинг учун истак ва кунт бўлса кифоя. Ўз шаҳрини дилдан севган, унинг обод ва кўркам бўлишини истаган одам биринчи навбатда ўзи яшаётган даргоҳни яшнатади. Уни батартиб сақлаш йўлларини қидиради. Кўнгилларга ибрат кўрсатиб, уларни ҳам ўзидек тартибли бўлишга чақиради.

## «САВОБНИ ПУЛГА АЛИШМАЙМАН»

Сафардан қайтардик. Ярим йўлга етганимизда ёмғир шаррос қуйиб юборди.

— Ҳавонинг авзойи бузуқ, сел келади чоғи,— деди орқа ўриндиқда ўтирган ҳамроҳларимиздан бири. Шу гапдан кейин ярим километрча масофани ё босдик, ё босмадик. Кучли сел бошланди. Бироз юргач машина мотори силтана-силтана ўчиб қолди.

— Нима бўлди?—сўраймиз ҳайдовчидан.

— Билмасам, — деди у машина двигателини қайта-қайта ўт олдиришга уриниб.

Барча ҳаракатлар зое кетди, машина қилт этмай жойида қолди.

—Бироз итарсак, балки юриб кетар.

Ҳамроҳларимиздан бирининг таклифи билан ҳаммамиз кабинадан тушдик. Кучли сел остида машинани анча жойгача итариб бордик. Барибир мотор ўт олмади. Яна бараварига ўзимизни кабинага урдик. Қанча ўтирдик билмайман.

— Бунақада бўлмайди. Бўлар иш бўлди, бирон-бир машинани тўхтатиб шатакка олдириш керак. Кун қорайиб қоляпти,— деди ҳайдовчи.

Унинг гапига биронтамиз миқ этиб оғиз очмадик. Бунақа ёмғир остида очиқ жойда туриб; келаётган машиналарга қўл кўтариб уни тўхтатишга уриниш кимга зарил келибди. Ниҳоят ҳайдовчининг ўзи кабинадан тушди. Қани энди унинг ишорасига турнақатор машиналардан биронтаси тўхтаса. Шу алфозда вақт ўтиб атрофни қоронғулик босди. Ҳамон ёмғир тўхтамасдан уришига қарамай, ҳаммамиз келишгандек кабинадан тушдик. Иккитамиз қарши томонга ўтиб, иккитамиз тўғридан келаётган машиналарга «овоз» бера бошладик. Ярим соат чамаси ўтдики, биров кимсан, нимасан демади. Тарвузимиз қўлтиғимиздан тушиб ёмғир остида шумшайиб туриб қолдик. Шу пайт узоқдан бир машина кўринди.

— Мана шуни тўхтатиш керак.

— Барибир бу ҳам тўхтамайди. Қўл кўтариш бекор. Унинг устига юки оғир шекилли, зўрба-зўр юриб келяпти. Бизни ҳайратда қолдириб, машинанинг ўзи ёнимизга келиб тўхтади.

— Нима бўлди биродарлар?—сўради ҳайдовчи худди танишлардек ҳушмуомалалик билан.

— Шундай, машинамиз ўз-ўзидан тўхтаб қолди.

— Қани капотни очинг-чи? — деди у «Зил»нинг кабинасидан сакраб тушиб. Кейин машинанинг у ёқ-бу ёғини кавлаб кўрди.

— Бўлмайди, — деди ниҳоят, — шатакка оламиз.

Нотаниш ҳайдовчи машинаси томон бориб узун трос олиб келдида, икки томонига иккала машинани боғлади.

— Қани кабинага ўтиринглар кетдик, — деди у бизга.

— Ўзи юкингиз оғир экан, биз бошқа машина тўхтатиб кетармиз.

— Йўқ, ўтираверинглар барибир борадиган жойимиз бир бўлганидан кейин...

Яна машина кабинасини тўлдирдик. Олдин оҳиста, кейин бора-бора юришимиз тезлашди. Кўп ўтмай шаҳар чегарасига етиб келдик. Қаранг худди шуни кутиб тургандек ёмғир ҳам тинди. Машинамиз мотори ҳам ўз-ўзидан ўт олиб кетди.

Машина сигналини чалиб «Зил» ҳайдовчисини тўхтатдик.

— Нима гап, тинчликми йигитлар? — сўради у.

Кейин мотор ишлаб турганини эшитиб кулиб қўйди.

— Нима қилса ҳам техникада. Баъзан шунақа инжиқлик ҳам қилиб туради.

Ҳайдовчига миннатдорчилик билдириб пул узатдик.

— Хизмат ҳаққингиз, қолганига қарздормиз, — дедик бир овоздан.

— Йўқ, — деди у, — мен савобни пулга алишмайман.

Қанча зўрламайлик у пулни олмади. Биз билан қуюқ хайрлашиб машинасини юргазиб кетди.

— Шунақа яхши одамлар кўп орамизда, — деди кимдир.

— Бор бўлсин яхшилар,— дедик ҳаммамиз бирдан.

## АҲИЛЧИЛИГИМИЗГА КЎЗ ТЕГМАСИН

Бир донишманд умрининг охирини одамлари сахий ва самимий, бир-бири билан аҳил бўлган мамлакатда ўтказиш ниятида кўп ўлкаларни кезибди. Бир юрт одамлари ўртасида ҳалоллик, самимийлик бўлса, яна бир бошқасида мардлик ва холисликка дуч келибди-ю, аммо аҳилликни кўрмабди. Йўл юрса ҳам мўл юриб ниҳоят бир қуёшли хушманзара юртга етиб келибди.

Ўзга юртдан келган мусофир-меҳмондан хабар топган инсонлар дарҳол унинг зиёратида бўлиб, иззат-икром кўрсатишибди. Шу ерда бўлганлардан бири меҳмонни эртасига бўладиган тўй ошига таклиф этибди.

Меҳмон таклифни бажонидил қабул қилибди-да, барча узоқяқинлар қатор у ҳам эрталаби ошга отланибди. Бориб кўрса, тўйни кутлаб келиб кетаётганлардан кўра ҳассакашлар кўп эмиш. Ҳамманинг қўли кўксида. Эшикдан кириб келаётган одам борки, у хоҳ шоҳ бўлсин, хоҳ гадо барчасини бирдек тўйбошилар тавозе билан кутиб олишаётган эмиш. Нозу-неъмат тўла дастурхон атрофида ўтирганлар олдига чой, иссиқ нон, лаганда ош келтирилиб, улар иззат-икром билан дастурхонга таклиф этилаётган эмиш. Ўтирганлар эса бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиб «олинг-олинг» билан лагандаги ошни тановул қилишиб юзларига фотиҳа тортиб туришар экан, уларни яна ҳассакашлар таъзим ва тавозе билан кузатишар эмиш.

Хуллас мусофир-меҳмон одамлар ўртасидаги меҳр-оқибат, аҳил ҳамжиҳатликнинг олий нишонини шу юртда кўриб сўрабди.

— Бу одамлари олий ҳиммат мамлакатнинг номи нима?

— Ўзбекистон, — дейишибди турганлар бир овоздан.

Мусофир-меҳмон шу дўстга садоқатли, одамлари хушмуомала, аҳил-иноқ юртда қўноқ топишга аҳд қилган экан.

Қиссадан ҳисса шуки, мард, камтар одамларимиз бор бўлсин. Аҳил ва ҳамжиҳатлигимизга кўз тегмасин.

## *Шифобахш ўсимликлар*

### БАҚАТЕРАК

Япроғининг ширасини ивитиб қулоққа томизилса, унинг оғриғини босади. Меваси тутқаноққа фойда қилади.

Меваси асал билан сурма қилинади ва у кўзни қувватли қилади.

### МАЖНУНТОЛ

Унинг пўстлоғи ва елими ишлатилади. Елимини тилиш йўли билан олинади.

Ёғочнинг кулини сирка билан сўгалга қўйилса қуритади.Пўстлоғи сочни бўяйдиган бўёқлар таркибига киради.

Унинг пўстлоғи ва баргини янчиб, кесилган ерга ва янги жароҳатларга қўйилса фойда қилади.

Қайнатмаси подаграга қўйиладиган яхши доридир.

Агар баргининг ширасини гул ёғи, анор пўсти билан қайнатиб, қулоққа томизилса, қулоқ оғриғини қолдиради. Қайнатмаси билан қазғоқ ювилади.

Унинг елими ва гули кўз хиралигини кетказади.

Унинг меваси қон туфлашда фойдалидир. Пўстлоғи ҳам шундай таъсирга эгадир.

### САРВ

Барги, шохлари ва бужури янгилигида ва юмшоқлигида қаттиқ аъзолардаги жароҳатларни битказади. Арпа уни билан қўшиб ишлатилганда учуққа фойда қилади. Баргининг янгисини ва бужурини қўйиб боғланса, дабба касаллиги учун яхши даво бўлади. Сарв бужурини анжир билан қўшиб майин янчиб бурунга пилик дори қилиб ишлатилса, ортиқча этни кетказади, сиркадаги қайнатмаси тиш оғриғини тўхтатади.

Қон туфлаш, қийналиб нафас олиш, эски йўталларга сарв бужурини шароб билан қўшиб ичирилади. Шунингдек, қайнатмаси ҳам жуда фойдалидир.

### ҚАРАҒАЙ

Бу дарахтнинг баргларини иссиқ шишларга қарши қўйиб боғланади.

Унинг пўстлоғини янчиб жароҳатларга сепилса фойда қилади: агар баргини янги жароҳатларга ишлатилса, уларнинг йиринглашига монелик қилади.

Унинг иситмаси ва қайнатмаси билан хусусан сиркага қўшиб тиш оғриқларида оғиз чайқалади ва баъзан шу мақсадда ишлатиш учун унинг чўпини майдалаб, сиркада қайнатилади. Уруғи кўкракдан балғамнинг кўчишига ёрдам беради, елимининг эса эски йўталларга фойдаси жуда катта.

### ҚАЙРАҒОЧ

Қобиғи ва шунингдек япроғи калтак еган жойларга ва жароҳатларга уларни бириктириш учун боғлаб ўралади.

Илдизи ва япроғининг қайнатмасини синган суякларга қўйилади.

### ЭМАН

Қон туфлашда фойда қилади. Меъда рутубатлигида фойда қилади. Ични қотиради. Ичак шилинишида ва яраларда, қон оқишида фойда қилади ва сийдикни кўпайтиради.

Ёнғоғини куйдириб ишлатилса, оғиз оғриғининг ва югурук яраларнинг ёйилишини тўхтатади. Япроғини янчилиб, жароҳатларга сепилса, уларни ёпиштиради.

«Радиодеталлари» дўкони ҳар хил турдаги радиодетеллари, электрон техникаси, аудио-видео ва ўлчаш аппаратураларини харид қилади ва сотади. Телефон: 68-93-93.

**Жорий йилнинг сентябрь ойидан Хитой Европанинг 27 давлати аъзо бўлган "Рухсат этилган сайёҳлик йўналишлар" клуби билан алоқаларни йўлга қўйганини маълум қилди. Шу пайтгача хитойликлар Европага фақат хизмат сафари ва расмий делегациялар таркибида сайёҳат қилардилар. Айни пайтда Европада Хитойнинг кўплаб сайёҳлик агентликлари очилмоқда. Европанинг янги сайёҳлик дастури хитойликларга 15 кунда 8-15 мамлакатни бориб кўришга имконият яратади. Шу боис европаликларнинг илтимосига кўра, сайёҳларга қўшимча виза бериш мақсадида Франция ўзининг Пекиндаги дипломатик ваколатхонаси биносини кенгайтиришни кўзда тутмоқда.**

# ХИТОЙЛИК САЙЁҲЛАР — ЕВРОПАДА

Бутунжаҳон туризм ташкилотининг (ВТО) маълумотига кўра, хитойлик саёҳат ишқибозлари 1988 йилда 1 млн., 2002 йилда 16,5 млн. дунё бўйлаб сафарга чиққан бўлса, бу кўрсаткич 2020 йилга бориб, 100 млн. кишига етиши мумкин экан. Яқин ўн йилликда Хитой сайёҳтга чиқувчилар ва уларни қабул қилиб олиши жиҳатидан жаҳонда биринчи ўринни эгаллаши кутилмоқда.

Францияда ушбу соҳанинг етакчилари, хусусан сайёҳлик ташкилоти ва Париж конгресси ўттизта туроператор томонидан имзоланган хартияни яратди. Унга кўра, таомномалар, саёҳат режалари, жойлар, меҳмонхоналардаги ёзувлар хитой тилига ўгирилади. Мамлакат пойтахтидаги Монтпарнасс меҳмонхонасида хитой тилидаги телеканал намойиш этила бошланди.

Эндиликда Парижнинг сайёҳлар билан гавжум хиёбонлари ва савдо расталарида хитой тилидаги ёзувларни ҳам учратиш мумкин.

# ОЧИҚ ЭШИКЛАР КУНИ

**Германиянинг Оберхаузен шаҳрида ҳар йили сентябрь ойининг иккинчи шанбасида ўтказиладиган очиқ эшиклар куни бўлиб ўтди.**

Унинг ташкилотчиси ривожланаётган мамлакатлар болаларини даволаш ва реабилитация қилиш билан шуғулланувчи халқаро "Фриденсдорф Интернешнл" беғараз ташкилотидир. 2004 йил Ўзбекистонда "Меҳр ва мурувват" йили деб эълон қилингандан сўнг, Дюссельдорф ва Оберхаузен ташкилотлари мамлакатимиздан 12 нафар оғир касал бўлган болаларни қабул қилди.

Очиқ эшиклар кунида Германиядаги Ўзбекистон элчихонаси ходимлари ҳам иштирок этдилар. Улар даволаш ва яшаш шароитлари билан танишдилар, болаларга совға-саломлар улашдилар. Ўзбек дипломатлари германияликларга республикамизнинг ёш фуқароларига кўрсатаётган меҳрибонлиги ва эътибори учун миннатдорлик билдирилиб, немис шифокорларига эсдалик совғалари топширилди.

"Жаҳон" АА






**Шаҳримизда қад ростлаган спорт иншоотлари ёшларимизнинг соғлом ва маънан етук инсон бўлиб шаклланишларига хизмат қилиши шубҳасиз.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар.**

# НАВБАТДАГИ ТЕХНИК ИШЛАНМА

**Ўзбекистон Фанлар академиясининг «Физика-Қуёши илмий ишлаб чиқариш барлашмаси олимлари яратган навбатдаги техник ишланма консерва саноатида ўзига кенг йўл топди. Консерва маҳсулотларининг янада сифатли ва мазали бўлишини таъминлашга қаратилган бу қурилма грек ёнғоғи қиёмларини тайёрлашда қўл келади.**

Илмий бирлашманинг «Ўзсабзавотмевавиносаноатхолдинг» компанияси билан тузган шартномасида ушбу технологик жараённи янада такомиллаштириш тадбирлари ҳам кўрилди.

Айни вақтда маҳсулот ишлаб чиқаришда механизациялаштирилган меҳнат мониторингидан унумли фойдаланиш имкони яратилмоқда.

**Акбар АЛИЕВ**

*Санъат*

# ТЕАТР МАВСУМИ ОЧИЛДИ

**Бугунги кунда пойтахтимиз театрлари санъат ихлосмандлари билан гавжумлашмоқда. Куни кеча Муқимий номидаги Ўзбек Давлат мусиқали театрида Хуршид Даврон қаламига мансуб «Бобур соғинчи» номли мусиқали драма билан олтмиш бешинчи театр мавсуми очилди.**

Ушбу муқаддас даргоҳда халқимизнинг севимли санъаткорлари Лутфихоним Саримсоқова, Сойиб Хўжаев, Фароғат Раҳматовалар ижод қилганларини яхши биламиз. Театр жамоасида кейинги йилларда ёш, истеъдодли актёрлар сафи кенгайиб бормоқда. Мустақиллигимиз байрами арафасида ушбу театрнинг умидли актёри ва режиссёр Боир Холмирзаевга «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвони берилганлиги театр жамоаси учун юксак мукофот бўлди. Театр ижодкорлари айни кунларда томошабинни ўзига жалб қила оладиган драматик асарларни саҳнага олиб чиқиш ниятида ҳамиша изланишдалар.

— Кейинги пайтларда улуғ алломаларимиз ҳаёти ва ижоди, уларнинг биз билмаган қирраларини ўрганишга катта аҳамият берилмоқда, — дейди театр режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рустам Маъдиев. — Шу мақсадда мавсумни «Бобур соғинчи» мусиқали драмаси билан бошладик. Спектаклда ўз Ватанидан йироқда бўлган Бобурнинг она юрт соғинчи, Ватанга бўлган муҳаббати, айрилиқда кечган ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Шунингдек, спектаклда Бобур Мирзонинг инсоний фазилатлари, халқпарварлиги, адолат билан давлатни бошқариш каби хислатлари маҳорат билан очиб берилган.

Ушбу мавсумда театр ижодкорлари янги-янги асарлар билан томошабинларни хушнуд этиш ниятида «Ҳасан Кайфий», «Боғ», «Ширин тилли қўзичоқ» номли янги саҳна асарлари устида иш олиб бормоқдалар. Мақсадимиз Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда янги драматик асарларни, янги драматургларни кашф қилиш, шунингдек театрнинг мавқеини янада ошириш ниятида қадимий анъаналарни, яъни драматург, режиссёр, актёр, бастакорларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш.

Театр мавсумининг очилиш маросими карнай-сурнай наволари билан бошланиб, залда эса мумтоз саҳна асарларидан янграган ариялар томошабинлар қалбига хуш кайфият бахш этиб турди.

**Дилором ИКРОМОВА**

*Қаҳқаҳа*

Тиш дўхтири машҳур артист Жан Габеннинг тишини суғуриб олибди. Орадан бир неча кун ўтгач, артист дўхтирдан шундай хат олибди: «Олинган тишингизни бир мухлисингизга сотдим, у тумор қилиб тақиб юрибди. Хизмат ҳақини ўша пулдан ушлаб қолдим, қайтимини юбораяпман».

* * *

Буюк инглиз олими Исаак Ньютон ўта паришонхотир одам бўлган. Бунга унинг ўз қўли билан зобит дўстига ёзган хати гувоҳлик беради:

«Дўстим! Бу ерда ҳамма сенинг икки жангда ғалаба қозонганинг, учинчисида эса ҳалок бўлганинг ҳақида гапиришяпти. Шу гап тўғрими-йўқми, менга ёзиб юбор! Ахир сенинг ўлиминг мени қанчалик қайғуга солиши мумкинлигини биласан-ку!»

* * *

Машҳур файласуф Суқрот бир бой билан сафарга чиқибди. Ногоҳ улар шу атрофда қароқчилар кўпайиб кетганлиги ҳақида гурунглашиб қолишибди.

— Эй, воҳ, мабодо улар мени билиб қолишса шўрим қурийди-ку! — дебди бой.

— Вой, улар мени танишмаса нима бўлади? — дебди Суқрот.

* * *

Хайнрих Ҳайнедан сўрашибди:

— Сиз қандай қилиб машҳур шоир бўлдингиз-у, амакингиз банкир бўлди?

— Болалигимда ойим кўпроқ шеър ўқиб берарди. Амакимнинг ойиси эса унга кўпроқ қароқчилар ҳақидаги эртаклардан ўқиб берган экан.

## «02»: ҲОДИСАЛАР

### САЛОНДАГИ 70 МИНГ СЎМ

**Яккасарой туманидаги У.Носир кўчасидаги «Авиакасса» олдида Т.Қўлдошга тегишли бўлган «Нексия» русумли автомобиль қаровсиз қолдирилган эди.**

Талабалар шаҳарчасида яшовчи Т.Ўктам шу ердан ўта туриб автоуловга кўзи тушди. Анча вақт ушбу автомобиль атрофида олазарак бўлиб турдида унинг салонидан 70.000 сўм пулни ўғирлаб кетди. Маълум вақт ўтгандан сўнг Қўлдош келиб қараса, машина эшиги атайлабдан нимадир билан бузиб очилган. У дарҳол милиция ходимларига сим қоқди. Тезкор чора-тадбирлар натижасида жиноятчи қўлга олинди.

### ТАНИШИ ЧУВ ТУШИРДИ

**Т.Гаврилов ҳар сафаргидек уйининг эшигини очиқ қолдириб қизиникига бирров бориб келаман, дея чиқиб кетди.**

У қизиникига кетаверсину воқеани бу ёқдан эшитинг. Гавриловнинг нияти бузуқ Б.Икром исмли таниши очиқ қолган эшикдан кириб «Орвика» телевизори, 2 та телефон аппарати, дазмоли ва 50 минг сўм пулни олиб жуфтакни ростлайди. Гаврилов келиб эшикни очиқ қолдириб кетиши қандай оқибатга олиб келганлигини кўриб, ички ишлар ходимларига мурожаат қилди. Жиноятчи қўлга олинди. Гаврилов эса ўғри ўз таниши эканлигини кўриб ёқа ушлаб қолди.

### ЧЕТГА ИШГА ЮБОРАМАН

**Ҳозирги вақтда кўпгина юртдошларимиз чет элга чиқиб ишлаб келиш «орзуси»да бўлиб юрибдилар.**

Лекин бунга фақат қонуний йўл билан эришиш мумкин. Қуйида биз сизни қонун доирасидан ташқарида ўз ҳуқуқини билмай алданиб қолаётган фуқароларимизнинг бир қанчасининг аҳволидан воқиф этамиз.

Н.Виктор П.Сергейни Туркияга ишга юбораман, деб 460 минг сўм пулини, Г.Норов Т.Шокирни Жанубий Кореяга юбораман деб 2500 АҚШ долларини, К.Адаш Қ.Мансурни АҚШга ишга юбораман деб 1400 АҚШ долларини, яна ўша шахснинг ўзи Г.Владикни АҚШга ишга жўнатишга кафолат бериб, 1200 АҚШ долларини олиб қайтариб бермаган. Айни вақтда эса ушбу жиноятчиларнинг барчасининг ғаразли ниятларининг пайи қирқилган. Энди улар қонун олдида жавоб беради.

**Сарвар СОБИРОВ,**
**Тошкент шаҳар ИИББ матбуот хизмати жамоатчи мухбири**

*Ҳаётий қатралар*

## КИНО ҲАНГОМАСИ

1986 йилнинг июнь ойи. «Ўқитувчи» нашриётидан бош муҳаррир ўринбосари Ўсарали Нишонов ва камина Самарқанд шаҳрида хизмат сафарида бўлганимизда гўзал Ургут туманининг «Камонгарон» қишлоғида яшайдиган укахонимиз Шерали Гадоев хонадонига ҳам қўниб ўтдик. Шерали уйида экан, бизни қучоқ очиб кутиб олди. Унинг ҳовлиси сўлим тоғ ёнбағрида бўлиб, ҳовлининг юқори саҳнидаги қоматли тераклар остидан шарқираб муздек зилол сув оқиб турибди. Ғир-ғир тоғ шабадаси эсади. Ўктин-ўктин яқин атрофдан булбул хониши эшитилади.

Кечки пайт ариқ лабидаги кўрпачалар тўшалган супада гурунг бошланди. Бизнинг келганимизни эшитиб Шералининг отаси Гадойвой ака етиб келдилар. Даврага янада файз кириб, суҳбат қизигандан қизиди.

Ингичка мўйлови ўзига жуда ярашган, қотмадан келган, гапирганда тортинчоқлиги билиниб турадиган Гадойвой ака нима ҳақида гапирса ҳам жуда кулгили чиқарди. Бунга сабаб у киши ўзига хос шевада сўзлаганда бамисоли бизни кулдириш учун қизиқчилик қилаётгандек туюларди. Гадойвой ака айниқса «Осиё устида бўрон» фильмининг Ургутда қандай қилиб суратга олинганлиги ҳақида батафсил сўз юритгач, Ялангтўш ролини маҳорат билан ижро этган машҳур актёримиз Шукур Бурхонов ҳақида тўлиб-тошиб гапириб берди:

—Киночилар кимнинг оти бўлса, миниб келсун, кинога оламиз, — деб бизни таклиф қилдилар. Мен ҳам «Ҳай, нима бўлса бўлар» деб отимни миниб келдим. Киночи бир маҳал менга «Сиз душман томонга жанг қиласиз», деду. «Қизил аскарлар яқинлашганда қочасиз», деду. Мен киночига «Қочадиган бўлсам, кинога тушмайман», дедим. «Ундай бўлса отни ҳов анави дарахтга боғлаб келинг-да, анави чол билан (Ялангтўшни кўрсатиб) кураш тушасиз. Лекин бу ерда ҳам бир шартимиз бор: кураш тушаётганда сиз атайлаб йиқилиб беришингиз керак. Ана шу жойини кинога оламиз», деду. Мен «Йиқилиб берадиган бўлсам, кинога тушмайман», дедим. Киночи «Ҳай, тушмасангиз тушманг, бошқа одамни таклиф қиламиз», деду. Сўгин бу ролга бошқа одамни таклиф қилишду. Мен бир жойига жудо ҳайратга қолдим. «Ё тавба!» деб яқомни ушладим. Ўша курашда енгган чол асли чол эмас экан. Ялғондан сақол тақиб олган экан! Унинг отини Шукур Бурхон дейишди. Шукур Бурхон ялғончи экан! Шукур Бурхон ялғончи экан! У алдади ҳаммани! У чол эмас экан, ўзининг соқоли йўқ экан! Шукур Бурхон ялғончи!.

Кинога олиш сирларидан бутунлай бехабар бўлган, ўша содда, кўнгли очиқ, беғубор Гадойвой аканинг Шукур акани соқолсиз кўрганда ёш болаларча ниҳоятда ҳайратланганини, ўз шевасида ҳовлиқиб, ҳаяжонланиб гапириб берганини эшитиб кула-кула ичакларимиз узилди.

Бетакрор талант эгаси, буюк ва севимли актёримиз Шукур Бурхонов номини икки дўст қачон бўлмасин эшитсак ёки эсласак, Шерали укамизнинг ўша сўлим хонадони, унинг ўта содда отаси ҳурматли Гадойвой ака эсимизга тушаверади. «Шукур Бурхон ялғончи!» деган ибораси қулоқларимиз остида ҳамон жаранглагандек бўлаверади.

## ЙЎЛИ БОР...

Бундан ўттиз беш йил аввал қадрдон қўшнимиз хушчақчақ ва покиза инсон Иброҳим ака ҳамда болаларимизнинг жонкуяр шифокори тиббиёт фанлари номзоди Маҳсумахон опанинг (иккалаларини Оллоҳ раҳмат қилсин) файзли хонадонида ўғилларига аталган катта тўй базми авжида эди. Тўкин дастурхон атрофида ҳовли тўла меҳмон. Тўй рисоладагидек давом этарди. Бироқ ягона етишмовчилик — санъаткорлардан ҳали-вери дарак бўлавермади. Шу пайт нимадандир кўнгли тўлмай безовталаниб юрган тўй соҳиби Иброҳим ака менга мурожаат қилиб қолдилар:

— Жаҳонгир, ука, бир илтимос чиқиб қолди. Йўқ демайсиз...

— Бажонидил, эшитаман, Иброҳим ака, қандай хизмат бор? — дедим ҳушёр тортиб.

Иброҳим ака:

— Яқинда магнитафон олганлигингиздан хабарим бор. Тўй санъаткорлар билан тўй экан. Улар негадир келишмаяпти. Магнитафонни олиб чиқиб ашула-пашула қўйиб турсак қандай бўларкин, — деб қолдилар.

— Бажонидил. Ҳозир олиб чиқаман. Фақат бир илтимос — дам олдириб, дам олдириб қўйиб турсак бас. Акс ҳолда қизиб кетади, — дедим бу гапимдан ўзим ҳам бироз хижолат тортиб.

Иброҳим ака менга андак маъноли қараб турдилар-да, сўнг жилмайиб:

— Ташвишланманг. Бунинг йўли бор, ука. Бир совуқ одамни топиб «Шунга қараб турасан» деб магнитофон ёнига турғазиб қўямиз, асло қизимайди-қўяди, — деб осмонга қараб шундай хахолаб кулдиларки, тўйхона гўё бундан-да ёришиб кетгандек бўлди.

Бу бир лаҳзалик воқеани Иброҳим аканинг катта фарзанди, қўни-қўшниларнинг соғлиғи учун ҳамиша камарбаста, жонкуяр ва камтарин инсон Саидғани Исмоиловга айтиб берганимда у хандон ташлаб шундай кулдики, раҳматли Иброҳим аканинг файзли хонадонидаги тўйда янграган ўша беғубор кулгиси бамисоли қайта такрорланди.

**Жаҳонгир ПИРМУҲАМЕДОВ**

*Бўш вақтингизда*

## ИТАЛЬЯНЧА КРОССВОРД

| МУАММОНОМА | 1. Рангли метал. | 2. Клавишли мусиқа асбоби. 3. Лотин ҳарфи. | 4. Олмон. 5. Нота. | 6. Ҳамдўстликдаги давлат. | 7. Осиёдаги давлат пойтахти. 8. Ғилдирак қисми. | 9. Эркин Воҳидов достони. 10. Жонивор. | 11. Борлиқ. 12. Роҳат. | 13. Иш устаси. 14. Миллий либос. | 15. Америкадаги тоғ. 16. Араб ҳарфи. 17. Меҳнат. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 4 2 8 6 | | | | | | | | | |
| 4 2 8 6 3 5 | | | | | | | | | |
| 7 1 9 9 5 6 | | | | | | | | | |
| 1.Кайковуснинг машҳур асари. | | | | | 8 | | | | |
| 2.Хўл мева. 3. Судралиб юрувчи. | 2 | | | | | | | | |
| 4.Металл бирикмалари бўлган маъдан. | | 3 | | | | 4 | | | |
| 5.Назмий асар. 6. Фотиҳа якуни. | | | | | | | | | |
| 7. Қасам. 8. Ўювчи кимё моддаси. | | | 6 | | | 7 | | | |
| 9. Ширинлик тури. 10. Радиоактив модда. | | | | | | 1 | | | |
| 11. Сабзавотли ковурма таом. 12. Нон тури. | | | | | | | | | |
| 13. Арманистон кўли. 14. Дуккакли дон. | | | | 9 | | | | | |

**Тузувчи Фозилжон Орипов**

### Газетанинг шу йил 10 сентябрь сонида берилган «АДИБЛАР» КРОССВОРДИНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

**Ёйлар бўйича:** 1. Ойбек. 2. Уйғун. 3. Бунин. 4. Кулер. 5. Дониш. 6. Жомий. 7. Гейне. 8. Бедил. 9. Залка. 10. Ларни. 11. Тагор. 12. Кафка. 13. Белов. 14. Чехов. 15. Лацис. 16. Катон. 17. Воқиф. 18. Мориц. 19. Бажов. 20. Дарио. 21. Мирий. 22. Димов. 23. Фучик. 24. Гулиа. 25. Ойдин. 26. Айний. 27. Ҳофиз. 28. Зорин. 29. Кашек. 30. Камий. 31. Бобур. 32. Гомер.

### МУАММОНОМА

**Очқич сўзлар:** 1. «Ёдгор». 2. «Савол». 3. Гули. 4. Назира. 5. Чилла.

**Ҳикмат: Ёзувчининг улови асарларидир.**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

**Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ**

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70;
эълонлар: 133-28-95, 136-57-65.
факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади.
2812 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-3

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-1009. 1 2 3 4 6